

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-ИЮЛЬ ЧИҚИШИ.
№ 132 (4338).
3
И Ю Л Ъ
Ш А Н Б А
1971 ИЙЛ
Баҳоси 2 тийин.

СССР ЁЗУВЧИЛАРИ V СЪЕЗДИ

2 июлда СССР ёзувчиларининг бешинчи съезди ўз ишчи давом эттирди. Якувчи мажлисида Венгрия ёзувчилар союзининг раиси Йоже-Дарваш, Руминия ёзувчилар союзи раисининг раиси Захария Станку, Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилар уюшмасининг бош секретари Юсуф Ас-Сибон (БАР), Жозеф Норт (АҚШ), Чехия ёзувчилар союзи тайёргарлик комитетининг раиси Йозеф Кайнар, Гане Тодорский (Югославия), Дзюмэй Гомикава (Япония), Болгария ёзувчилар союзининг раиси Георгий Джагарон съездни таъбир-лашди.

Раисли қилувчи Г. М. Марнов СССР Ёзувчилар союзи раисининг ҳисобот давридаги иш қондириш деб таъриф қилди. Съезд делегатлари яқиндаги йилда бу тақдирни ёқлаб овоз берди.

СССР Ёзувчилар союзи раисининг ҳисобот доклади юзасидан СССР Ёзувчилар V съездининг резолюцияси бир овоздан қабул қилинди.

Делегатлар «Хинди-Хитойдаги уруш тўхталсин!» деган байнотин ақидаси билан қабул қилди.

Г. М. Марковнинг СССР Ёзувчилар V съезди номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига мантиб қабул қилиш тўғрисидаги тақдирини съезд қатъиян қарор қилди ва давомли қарарлар билан қўйиб олди.

Шу билан СССР Ёзувчиларининг V съезди ўз ишчи тамолади.

(ТАСС).

ҚАҲРАМОНЛАРНИНГ ЖАСОРАТИ ЎЛМАС

ҚИЗИЛ МАЙДОНДА Г. Т. ДОБРОВОЛЬСКИЙ, В. Н. ВОЛКОВ ВА В. И. ПАЦАЕВНИ ДАФН ЭТИШ МАРОСИМИ

Ўзининг аjoyиб фаразларидан, коммунистлар, СССР қосмонавт учувчиларидан — Совет Иттифоқи Қаҳрамони подполковник Г. Т. Добровольский, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. Н. Волков ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. И. Пацаевдан жудо бўлган халқ чексиз қайғурмоқда. Қиёматта биринчи бўлиб йўл очган бу азаматлар ватан олдидаги ўз бурчини тўла-тўғис бажардилар, космик тадқиқотлар соҳасида янги йилни бошқичини бошлаб бердилар, фанга инсоният тараққиётига жуда катта ҳисса қўшдилар. «Союз-11» космик кемасининг экипажи мислиси жасорати билан улут социалистик Ватанимизнинг шухратини, шонли қаҳрамон халқимизнинг шухратини олди.

Жаҳон мард ватанпарварлар олдида бошини эгиб тазия қилмоқда. Доворак қосмонавтлар бошқарилган биринчи орбитал «Салют» станциясида узоқ вақт муқимлашган учини программасини батамом бажарганларидан кейин, «Союз-11» кемаси олис сафардан Ерга қайтиб келатган пайтда ҳалок бўлдилар. Космос қаҳрамонлари орбитада бошқарилган парвозини ривожлантиришда янги саҳифа очдилар, фан учун ва фандан инсоният бахт-саодати йўлида фойдаланиш учун кенг истиқболлар очиб бердилар. Уларнинг шонли ҳаёти, ўлмас жасорати Ватанга, партияга, халқ олдидаги бурча садоқатининг намунаси.

2-июль эрталаб соат 10. Совет Армияси Марказий уйининг Қизил Байроқ орденли эсали. Қаҳрамонларнинг ҳоқи солинган қўтичалар баланд постантларда гуллар билан қопланган. Г. Т. Добровольский, В. Н. Волков, В. И. Пацаевнинг портретлари мотам ленталари билан ўралган. Совет Армиясининг жангчилари фахрий қоровулда саф тортиб турибдилар.

Москваликлар доворак қосмонавтлар билан видолашмоқдалар. Ишчилар ва хизматчилар, олимлар, маданият аربоблари, Совет Армияси, Авиация ва флотнинг жангчилари, Ёшлар қайгули сукут ичда келмоқдалар.

СССР қосмонавт-учувчилари фахрий қоровулда турадилар. Фахрига ва заводларнинг вакиллари, генераллар ва офицерлар, олимлар, маданият аربоблари улар кетидан фахрий қоровулда турадилар. Залга янги-янги гуламбарлар келтирилди.

АҚШ президенти Р. Никсоннинг тошпириги билан 2 июлда Москвага келган Америка қосмонавти Т. Стаффорд фахрий қоровулда турибди. Т. Стаффорд ҳалок бўлганларнинг оилалари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилди.

Бетховен, Шопен марсия куйлари янграйди... Бу ерга келатган кишиларнинг охири кўринмайди. Бемаҳал ҳалок бўлган қаҳрамонлар билан бутун Москва, бутун совет халқи сўнгги марта видолашмоқда.

Қулуз соат 12. Қизил Байроқ орденли залга кириш тўхтатилади. Пировардида дафн этишга уюштирувчи ҳукумат



Москва, 2 июль. Қизил майдон. Суратда: мотам маросими Кремль девори томон бормоқда.

комиссиясининг аъзолари А. П. Кирилленко, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов, Л. В. Смирнов, М. В. Келдеш, А. А. Гречко, С. А. Афанасьев, Л. А. Борисов, В. Ф. Промислов, В. А. Шаталов, М. П. Георгалев, М. С. Смирнов мотам вақтасида турадилар.

Залда Георгий Добровольский, Владислав Волков, Виктор Пацаевнинг қариндош-уруғлари, яқинлари, дўстларига қолади.

Видолашувнинг сўнгги дақиқалари келди.

Ҳукумат комиссиясининг аъзолари қосмонавтлар ҳоқи солинган қўтичаларни Совет Армияси Марказий уйдан олиб чиқишди. Ватанимиз кўроли кучлари жангчилари қаҳрамонларга ҳарбий изозат хурматларини изҳор этадилар.

Коммуна майдонига минг-минглаб кишилар тўпланган. Мотам маросими пойтахт маркази томон йўл олади. Ҳамма жойда биноларга мотам байроқлари тикалган. Москваликлар ватанимизнинг жасур ўғлонлари Г. Т. Добровольский, В. Н. Волков, В. И. Пацаевга сўнгги алайдо сўзларини айтмоқ учун кўчаларга чиқишди.

Союзлар уйи ёнида мотам маросимини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари кутиб оладилар. Қаҳрамонлар ҳоқи солинган қўтичалар тўп лафетларига қўйилади. Мотам маросими қизил майдонга қараб йўл олади.

Қизил майдон мотам либосида. Минг-минглаб кишилар қаҳрамонларнинг, коммунистик партия ва халқнинг содиқ фар

зандлари хотирасини ҳурматлаш учун қизил майдонга тўп-лашди.

Майдоннинг ҳамма қисмида Москва гарнизонининг ҳарбий бўлинмалари саф тортиб турибди. Жанговар байроқлар эгилган. Минбарларда — пойтахт меҳнаткашлари ва жамоатчилигининг вакиллари, олимлар, маданият аربоблари, Совет Иттифоқи маршаллари ва кўпгина турлари маршаллари, генераллар, адмираллар, офицерлар. Бу ерда СССР даги дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари, чет мамлакатлар элчихоналари ҳузуридаги ҳарбий атташелар ҳам бор. Франция коммунистик партияси бош секретариининг ўринбосари Ж. Марше бошчилигидаги Франция коммунистик партиясининг делегацияси ҳозир бўлди.

Қаҳрамонлар ҳоқи солинган қўтичалар лафетлардан олиниб, В. И. Ленин мавзолейи рўпарасидаги постантга қўйилади.

Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, В. В. Гришин, А. П. Кирилленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорный, П. Н. Демичев, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов, К. Ф. Катупшев, В. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев ўртоқлар, шунингдек СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, дафн этишга уюштирувчи ҳукумат комиссиясининг аъзолари мавзолей марказий минбарига чиқадилар.

Мотам митингга бошланади. Мотам митингини КПСС Марказий Комитети Сийёси Бюросининг аъзоси, КПСС Марказий

Комитетининг секретари А. П. Кирилленко очади.

Бутун, биз деди у, чуқур қайғу-алам ва бениҳоя оғир жудолук туйғулари билан ватанимизнинг аълои фаразларидан — Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, СССР қосмонавт учувчилари Георгий Тимофеевич Добровольский, Владислав Николаевич Волков ва Виктор Иванович Пацаев билан сўнгги марта видолашмоқдамиз.

Бошимизга оғир мусибат тушди. Бизнинг мамлакатимиз совет фани, қосмонавтларнинг қаҳрамон оиласи оғир жудолукка учради. Қаҳрамонларнинг ҳалокати тўғрисидаги қайғули ҳабар барча совет кишиларининг, ер юзиданга ҳамма кишиларнинг қалбини изтиробга солди.

«Союз-11» космик кемасининг доворак экипажи мислиси жасорат кўрсатди. Қаҳрамон қосмонавтлар ўз парвози билан, бир қанча кун мобайнида ҳормай-толмай қилган ишлари билан, илмий-тадқиқотлари билан космосни ўзлаштириш тарихида янги саҳифа очдилар, орбитада учувчи бошқарилган парвозларни ривожлантириш ишига бебаҳо ҳисса қўшдилар.

Улар ўз жасоратлари билан социал тараққиётнинг олдинги сафларига бораётган, инсониятнинг муҳташам биноси — коммунизмни қураётган улут социалистик ватанимизнинг шухратини оширдилар.

Улар янги космик комплекс — орбитал «Салют» станциясини ва «Союз-11» транспорт кемасини биринчи бўлиб сынаб кўрдилар. Улар қиёмат фазоларида ватаниннинг бениҳоя тез

суръат билан учган оролчасида астойдил бардам туриб, партия ва халқ тошпириги бажарилажиги амин эдилар. Улар бу тошпириқни бажардилар, илмий тадқиқотлар ва техника экспериментларининг мураккаб ҳамда хилма-хил программасини муваффақиятли амалга оширдилар. Улар ўтказган қўзатишларнинг натижалари фан учун, келажакдаги қосмонавтика учун, инсоният учун бебаҳо қимматлидир.

Энг оғир вазифалардан бирини ҳал этишлари лозим бўлган ва биринчи бўлиб йўл очган Георгий Тимофеевич Добровольский, Владислав Николаевич Волков, Виктор Иванович Пацаев деб таърифлади ўртоқ А. П. Кирилленко, космосда янги йўللари очдилар, фан деб, инсоният бахт-саодати деб инсон учун энг азиз нарсаси жонларини ҳам фидо қилдилар.

Улар ўз ҳаётининг сўнгги секундидаги кемани бошқариш пульталарида иккилашдилар. Улар худди қаҳрамонлардек жанговар постда ҳалок бўлдилар.

Георгий Тимофеевич Добровольский, Владислав Николаевич Волков, Виктор Иванович Пацаев чуқур инжениерлик билимларига, тадқиқотчилик талантига эга бўлган кишилар эди.

Улар коммунистлар эди, улут Ленин партиясининг фарзандлари эди. Улардан ҳар бирининг таржиман ҳоли — ўзини тарбиялаб олган этанган Коммунистик партияга бениҳоя садоқатли кишиларнинг таржиман ҳолидир.

(Давоми кичикчи бетда).

КЕЛАЖАК УЧУН

Ҳали текширилмаган янги дунё — космосни забот этиш ва эгаллаш жасоратларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Биз самони забот этишчиларнинг йўлида чағир тиканлар ҳам борлигини биламиз. Бу иш даставвал инсон кучларининг гоят зўр беришини, чуқур билиминини, мардлик ва матонатини талаб қилувчи ишдир.

Мамлакатимиз оғир жудолукка учради. Коммунистик партия ва совет халқининг содиқ ўғлонлари учувчи бошқарилган орбитал «Салют» станциясида ватан тошпиригини бажариб бўлган, Ерга қайтиб келатганларидан ҳалок бўлдилар. Бу жудолук ватан космик фазоси ўзлаштиришда, қийин ва оқибатли ишни ишониб тошпириган ҳамма кишилар учун зўр қайғудир. Бу жудолук қавму-қариндошлар ва ёру-дўстлар учун, бутун халқимиз учун, ер юзиданга ҳамма кишилар учун зўр аламдир.

Георгий Добровольский, Владислав Волков ва Виктор Пацаев фахрли ва масъулиятли тошпириқни фидо қилди. Бажаратурсиз ўз ҳаётларини қурбон қилдилар. Бутун биз истеъдодли ва жасоратли ўртоқларимиз билан видолашамиз. Ленин бизнинг қалбларимиз мотам илдосига беланган ҳолда уларнинг космик орбитада ватанимиз учун қилган ишлари билан фахрланибди ва уларнинг инсониятга берган бўлган ишларини давом эттиришга аҳд қилди.

«Союз-11» кемасига тушиб, космосга кўтаришга дўстларимиз учини жуда яхши тайёргарлик қўришган эди. Улар ердаги машқларда ва назарий машғулотларда жуда катта программанинг ҳар бир қисmini нақадар сабот-матонат ва меҳнатсеварлик билан ишқитириб чиқаришларининг шижоҳи эдик. Уларнинг ҳамма билими, тажрибаси ва иродаси ҳар бир соат учин ердаги практикага энг кўп фойда келтириб, совет қосмонавтисининг келажакдаги катта қадамлари учун пухта замин яратишга қаратилган эди.

Орбитал «Салют» станциясининг экипажи энг узоқ космик учин давомиди янги космик комплекс конструкциясини, агрегатларини, борт системаларини ва илмий аппаратларини муваффақиятли сынаб кўрди ва ишқитириди. Орбитал станцияларнинг инсониятга очиб берадиган жуда катта имкониятлари ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ кўрилади.

Қосмонавтлар учин программасини қонда аниқ-равшан бажаришлар, «Салют» станцияси планетамизни кетма-кет айланиб чиқар, унинг экипажи эса ерга яқиндан-янги маълумотларни юбориб туради. Шу маълумотлар уларнинг ўртоқлари бўлган бизларнинг олағи бориб космосга тадиққ этишимизни ривожлантиришга имкон беради.

Энг яқин уч дўстимизнинг ҳаёти бевақт ва тўсатдан узилди. Орамиди уларни эди ҳеч қачон кўрмаслигимизга ва улар ортқ ҳеч қачон космосга кўтарила олмасликларига ишонини ва буни кўриш жуда қийин.

Улар характерлари жиҳатидан ҳам, ҳаракатчанлиги жиҳатидан ҳам бир-бирларига ҳеч ўхшамас эдилар. Лекин уларда умумий бўлган кўп қислатлар бор эди. Улар даставвал ватанимизга бўлган беҳад меҳр-муҳаббат, жуда катта ғайрат ва матонат, доимо камол топиб боришга ҳормай-толмай иштилош, космосга буқилмас — садоқатдан иборат эди.

Уларнинг ҳар бири биз учун ўртоқ сифатида, битта умумий иш учун биргаликда хизмат қилаётган ишчи сифатида қадрли ва яқин эди. Шунинг учун ҳам бутун ҳар биримиз умумий режаларини амалга ошириш учун икки баравар кўп масъулият — ўзимиз учун ва улар учун масъулият ҳис қилиб турибмиз.

Ичига қосмонавтлар тушган орбитал станция яратиш қосмонавтигининг жуда муҳим вазифаларидан бири, космик техниками тараққиётининг қонуний бир босқичидир. Киши ишайдиган орбитал станциялар космик тадқиқотлари сифат жиҳатидан янги бир даражага кўтаришга имкон беради. Ҳаммамиз учун қайғули бўлган шу кунларда биз Юрий Гагарин биринчи бўлиб бошлаган эстафетани муносиб давом эттириш тўғрисида ўйлабмиз.

Бизнинг кўнчилигимиз уруш йилларида боланай эдик. Ветеранларнинг хотираларидан бизга шу нарсаси маълумки, агар жангга байроқдор йиқилса, қизил байроқни ҳар доим бирон киши келиб кўтариб олади. Оталаримизнинг шу аянчалари мундарижидир. Бизнинг даврда космосга ҳужум қилиш бизга инобат тошпирилди. Бизнинг йўлимиз мураккаб ва машаққатли бўлсада, тайёлаган йўлимизнинг тўғрилигидан ҳеч қачон шубҳаланмадик ва ҳар талаф энг мураккаб парвозга кўтарилишга ҳаммиз тайёр турибмиз. Бўлиб ўтган воега космик техникани янада ривожлантириш ва тақомиллаштиришга ҳамда инсоннинг космос сари интилишини, қиёмат сирларини билишга интилишини тўхтатиб қолмаслигига қатъий ишонч билибмиз.

Партиямиз Марказий Комитети, Совет ҳукумати, халқимиз шунга ишонилари мумкинки, бизларнинг ҳар бирига — космосга чиқиб тушганларимиз ва баланд орбитада биринчи марта кўтарилишчиларимиз социалистик ватанимизнинг сулис космик шох-шўҳратини янада мустаҳкамламоқда ва улутларимиз учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қилишимизга ишонсеварчилари мумкин.

Олдимизда чексиз самога янги-янги парвозлар турибди. Биз учини таъйёр турибмиз.

В. А. Шаталов, А. С. Елисеев, А. Г. Николаев, Г. Т. Береговой, В. В. Николаев-Терешкова, А. А. Леонов, Г. С. Титов, П. Р. Попович, В. Ф. Биковский, К. П. Феоктистов, Б. Б. Егоров, Б. В. Волинков, Е. В. Хрунов, В. В. Горбатко, В. Н. Кубасов, А. В. Фляйченко, В. И. Сенастьянов, Г. С. Шония, Н. Н. Рукавишников.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОРАҚЎЛЧИЛАРИНИНГ КАТТА МУВАФФАҚИЯТИ

КПСС XXIV съездининг қарорларидан наҳомлашган республика қоракўлчилари янги беш йилликнинг биринчи йилида катта меҳнат ғалабасига эришдилар. Қолхоз ва совхозлар шу йилнинг нуктада келган об-ҳаво широнтида қоракўл қўйларининг қилиш ва қўзлашнинг муваффақиятли ўтказдилар. Қар юзта совлиқдан 119 тадан қўз, совхозларда эса 122 тадан қўз олди ва қоракўл тери тайёрлаш йиллик планининг бажарилиш таъминланди.

Қолхоз ва совхозлар давлатга бутун 1970 йилдаги нисбатан 160 минг дон қўз қора қўз тери сотдилар. Булар ташқари

совхозлар пландан ташқари боғиб қўйатириш учун 200 мингдан ортқ қўз асраб қолдилар.

Давлатга қоракўл тери топириш давлат этмоқда.

Ўзбекистон қоракўлчилари ҳозирги вақтда ўзларининг бутун куч-тайратларини қўйишларини муваффақиятли ривожлантириш учун мустақил қоракўл вор яратиш мақсадида қоракўл қўйларини уриштириш, қўйларини янада яхшилашга, қўйларини ўтлаб яхши боқиб ва қишда тўқ чиқишини таъминлаш соҳасидаги ишларини уюшқонлик билан бажаришга сафарбар қилмоқдалар.

(ЎзТАГ).

ТИКУВЧИЛАРНИНГ
МЕХНАТ ҒАЛАБАСИ

Тошкентдаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Қизил тоғ» тикувчилик фирмаси коллективни буюмларни реализация қилиш ярим йиллик планини муқаддатдан илгари бажарди. Шу давр ичда кийим-кечакларнинг етмишдан ортқ янги нусхаларини, шу жумладан аёллар учун саккиз хил пальтонини қўлаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу нусхадаги пальтолар давлат сифат белгисини олди.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА
ҒАЛЛА ЭРИ-
НИНГНИНГ БОРИШИ
ТЎҒРИСИДА 2 ИЮЛДА
БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобда)

Биринчи стун — бир қулик ўсиш, иккинчи стун — масум бошдан бери ўрилган

Оққўрғон	2,1	66,7
Орионкидзе	8,1	55,1
Ўрта Чирчиқ	4,7	48,5
Бўна	2,1	47,6
Бенбод	2,1	43,5
Пискент	3,0	32,4
Янгийўл	1,1	26,0
Калинин	5,1	26,0
Юкюр Чирчиқ	2,5	25,7
Бўстонлиқ	1,2	3,9
Область бўйича	3,0	33,2



Москва, 2 июль. Мотам портежи Қизил майдонда.



Москва, 2 июль. Космонавт учувчи ларинг Кремль деворида дафн этилган ўрни.

ТАСС—ЎзТАГ телефотоси.

(Боши 1-бетда).

ҚАҲРАМОНЛАРНИНГ ЖАСОРАТИ ЎЛМАС

рамонна ва олижаноб йўлдор. Улар шунчаки қизқичиш туфайли космосга интилаётганлари йўқ, балки кониотининг янги-янги сирларини исон манфаатини кўзлаб очиб зарурати туфайли шундай қилмоқдалар. Бу ан шун қийин, лекин зарур ишни бундан бун ҳам давом эттира берамиз.

Сўзининг охирида ўртоқ А. П. Кириленко бундай деди: биз ватанимизнинг доворак ўғиллари, улуз Ленин партиясининг коммунистлари хотирасини бако келтириб таъмин қиламиз. Уларнинг шонли жасорати коммунист ватанга садоқат билан хизмат қилишининг еркин намунаси бўлиб қолади. Уларнинг шонли ҳаёти ҳозирги ва келажак авлодлар учун нахшомас тимсолдир.

Қаҳрамон космонавтларга абадий шон-шарафлар, уларнинг хотираси абадий унутилмайди! Шундан кейин СССР Қанлар академиясининг президенти М. В. Келдин сўзга чиқди. Космонавтлар жасур ашторлар — Георгий Тимофеевич Добровольский, Владислав Николаевич Волков ва Виктор Иванович Падеевич парвози космик фазони татқиқ қилинда янги босқич. Ер атрофи орбиталарида ичида одам бўлган ва узоқ муддат ишлайдиган

станциялардан фойдаланишнинг янги босқичи бошланганлигидан дарак беради. Бундай станциялар фан ва халқ ҳўжалигининг энг муҳим вазифаларини ҳал этиш учун катта-катта имкониятлар очиб беради.

Уч совет космонавтининг инсоният тарихида энг узоқ вақт космосда учиб юрганлиги жуда катта аҳамиятга эга. Учин жарайнда орбиталь «Салют» станциясининг ҳамма системалари синаб кўрилади. Учувчи бошқарадиган ана шу биринчи станцияни яратишга асос қилиб олишнинг принциплари тасдиқланди. Космонавтлар ўтказган экспериментлар метеорология, геология, география учун, Ер атмосферасини, океанларни, ўсимлик қопламни ва ресурсларини татқиқ қилиш учун катта имкониятлар очиб беради, фан ва практикани янги жуда муҳим маълумотлар билан бойитди. Орбиталь станцияларда туриб Ерни татқиқ қилиш инсонга табиат бойликларини ўрганишда жуда кенг имкониятлар беради. Учувчи бошқарадиган «Салют» станциясида астрономик экспериментлар ҳам бажарилди, кониотининг энг пинҳоний сирларини ўрганишга қаратилган бу татқиқотларни фақат атмосфера

ташқирисиди бажариш мумкин. Чунки медицина — биология татқиқотлари космонавтикани ривожлантириш учун жуда катта аҳамиятга эга.

Уч шонли совет космонавти ўзларини фан йўлида, келажак йўлида, инсоният бахт — саодати йўлида космосни татқиқ қилишга бағишлади. Уларнинг еркин ҳаёти партияга, халққа, совет ватанимизга хизмат қилишининг намунасидир. Қаҳрамон космонавтлар янги «Салют» станциясида жуда мураккаб вазифаларни муваффақиятли равишда бажариб бўлганларидан кейин ҳалокатга учирадилар. Улар Ерга «Союз» космосида қайтиб тушган эдилар. Бу кемалардан космик паровларда неча марта лаб муваффақиятли фойдаланишган эди, лекин кутилмаган ҳолида орбитальда фойда рўй берди. Жасур қаҳрамонларнинг ўлими — халқимиз учун, Ер юзиди инсоният тарихидаги қадрловчи ҳамма кишилар учун катта мусибатдир.

Уларнинг порлоқ хотираси, Уларнинг мислсиз шижоати космик фазони ўзлаштириш тарихида абадий сақланиб қолади.

СССР космонавт учувчиси, янги марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. А. Шаталов сўз олади.

Жанговар дўстларимиз ва содиг ўртоқларимиз бўлган Георгий Тимофеевич Добровольский, Владислав Николаевич Волков, Виктор Иванович Падеевич сўнги йўлга узатиб қўяр эканмиз, бутун вужудимизни чулғаб олган ғам-аламининг бутун оғирлигини ифодалаб бериш биз, космонавтларга айниқса оғир, деди у.

Билимларга бўлган аўр иштиёқ, ўзининг бутун қалб ҳароратини севиқли ишга сарфлаш маҳорати, сабот-матонат ва саботқадамлик коммунистлар Георгий Добровольский, Владислав Волков, Виктор Падеевич хос хислатлар эди.

Улар учинга тайёрланиш чоғида янги космик техникани синчиқлаб ўргандилар, илмий татқиқотлар ва экспериментлар программасини ҳавас қиларли даражада кунт билан қайта-қайта пухта ўргандилар. Қаҳрамон космонавтлар қилган мислсиз паровида учувчи бошқарадиган орбиталь «Салют» илмий станциясини вужудга келтиришга доир жуда мураккаб инженерлик-техника вазифаси биринчи марта ҳал этилди. Станция экипажи Ер атрофи орбитасига «Союз-11» транспорт космик кемаси ёрдамида чиқариб қўйилди. Кема командири подполков-

ник Георгий Тимофеевич Добровольский, борт инженер Владислав Николаевич Волков ва синовчи инженер Виктор Иванович Падеевич космосда дунда биринчи марта 3 ҳафтадан ортиқ вақт учиб юрдилар. Учувчи бошқарадиган биринчи орбиталь «Салют» станциясининг экипажи совет халқи олдидаги юксак бурчини англаганлиги, меҳнатсеварлиги ва сабот мотонати, ҳаромонлама кенг билимлари туфайли татқиқотлар программасини тўла-қўла бажарди. Космонавтлар Добровольский, Волков, Падеевич мураккаб космик техникани синаб кўриб, ўзларининг фидокорона меҳнати билан учувчи бошқарадиган орбиталь паровларини ривожлантириш ишга жуда катта ҳисса қўшдилар.

Космос уч қаҳрамонининг ҳаёти ижодий қучлари янаб турган бир пайтда бевақт ўзиди. Уларнинг шижоати бизнинг ҳаммамиз учун ватанга садоқат билан хизмат қилиш намунасидир.

Бугун, ана шу қайғули дамларда азиз космонавт ўртоқларимиз билан видолашнинг чоғида биз космосни ўзлаштириш ишини муносиб равишда давом эттирамиз, деб жонанон Ком-

мунист партияни, қаҳрамон совет халқини шонитирамиз. Сиз, жанговар дўстларимизга абадий шон-шарафлар бўласин.

Мотам митингида «Красный пролетарий» заводининг тоқари А. Я. Рыбаков, Москва шаҳар партия комитетининг секретари В. Борисов ҳам сўзга чиқдилар.

Мотам митинги ёпиқ деб эълон қилинади. Совет Иттифоқи Коммунист партияси билан Совет ҳўкуматининг раҳбарлари, ҳўкумат комиссиясининг аъзолари, СССР космонавт учувчилари кутилар кўтариб Кремль деворини ёнига борадилар.

Тўплардан ўқ узилиб салют берилди. Қўтилар тоқаларга қўйилди. Тоқалар ёдгорли лавҳалари билан беркитилади.

Совет Иттифоқи Давлат гимни майдон узра янграйди. Мавзолей олдида ўтган ҳарбий қисмлар космоснинг қаҳрамон татқиқотчилари, матолали ва доворак коммунистлар Г. Т. Добровольский, В. И. Волков ва В. И. Падеевич ўлғити бор ҳўрмат бако келтирадилар.

Қаҳрамонларнинг номлари халқ хотирасида ва қабрида абадий сақланиб қолади. Уларнинг шижоати абадий ишайди. Уларнинг ҳаёти совет кишиларини ҳаммаша коммунизм таянмаси йўлида янги зафарларга руҳлантиради.

(ТАСС).

5У саҳифада

● КОСМОС ҚАҲРАМОНЛАРИ ЖАСОРАТИ ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАЙДИ ● ОЛМАЛИҚ
КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ КОММУНИСТЛАРИНИНГ ЯНГИЧА ИШЛАРИ
● СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА БАЙРОҚДОРЛАРИ.

МУСТАҲКАМ ТАЯНЧ

Партиянинг негизи — бошланғич таъкилотлариди, деб таъриф берилган КПСС Уставида. Бошланғич таъкилотлар партия билан кенг омма алоқасини доимий мустаҳкамлайди, коммунист қурилишининг назоратчи вазифаларини ҳал этишда меҳнатқашларнинг бевосита таъкилотчи ва раҳнамоси бўлади. Партиянинг бутун ҳаёти ва муваффақиятлари бошланғич таъкилотлар фаолиятида асос этиб туради.

Бошланғич ва цех партия таъкилотлари, партия гуруҳлари омма этиборини бажарилиши лозим бўлган вазифаларга қаратиб, сўнги йилларда қўлга киритилган ютуқлар қўламини яна ҳам кенгайтирдилар. Ўтган беш йилликда комбинатимиз ишлаб чиқаришнинг ривожлантириш учун 136 миллион сўмдан кўпроқ капитал маблағ сарфланди. Бунинг асосига олтигўрт кистотаси цехи, мис катанаси цехи, мис эритиш заводининг кистотаси станцияси, Сардоб кони, рух заводи ва бошқа йirik объектлар ишга туширилди.

Пировадда комбинатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми янги баъбар ошди. Тайёрланган маҳсулотларнинг 70 процентга яқини меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришди.

Комбинатимиз коммунистлари техника тараққийти учун курашининг байроқдор бўлмоқдалар. Сўнги йилларда ишлаб чиқаришнинг комплекс автоматлаштиришга қаратилган жуда катта таъкилот-техникавий таъкилотлар амалга оширилди. Техника шарофати билан меҳнат унумдорлиги 70 процентга ошди, ишчилар маоши 24,8 процентга ўсди.

Бу муваффақиятларнинг барчаси бошланғич партия таъкилотлари жанговарлиги қобилиятининг ва омма ўртасидан бўрсининг тобора ошганлигидан даролат беради. Бошланғич партия таъкилотлари КПСС XXIII съезидан кейинги давр мобайнида таъкилотий жиҳатдан мустаҳкамландилар. Ишлаб чиқаришга чуқур ёндошадиган, ҳаёт масалаларини илмий ҳал қиладиган бўлиб қолдилар.

Ҳозир комбинатнинг барча ишлаб чиқариш участкаларида партия таъкиоти сезилиб турибди. Ҳўжалик фаолияти устидан ўрнатилган партия назорати йил сайин мустаҳкамланмоқда. Бу ютуқларга биз аввало партия таъкилотлари структурасини таъкилотлаштириш йўли билан эришдик. Ҳозирги пайтда комбинат цех ва участкаларида 30 та бошланғич ва 75

та цех партия таъкилотлари, 99 та партия гуруҳаси ишлаб турибди. Бу таъкилотлардан 8 тасига партия комитети ҳўкуқи берилган.

Партия таъкилотлари обрўсининг ошганлигидан партия сафларининг тобора кенгайиб бораётганлиги ҳам кўриниб турибди. Ўтган беш йилликнинг биринчи йилида комбинат партия таъкилотлари сафига 1701 коммунист билишган эди. Ҳозирги пайтда партиянинг цех ва участкаларида 2076 коммунист меҳнат қилаётди. Биргина шу йилининг дастлабки квартал мобайнида ишлаб чиқариш ишторларидан 53 киши партия сафига қабул қилинди. Улардан 36 киши ишчилар.

КПСС XXIV съезидининг КПСС Марказий Комитети ҳўсубот доклады юзасидан қабул қилган резолюциясида партия сафларини ўстириш билан бирга коммунистларнинг сифат

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

составини яхшилаш ва уларни тарбиялаш ҳам энг муҳим вазифалардан бири деб кўрсатилган. Комбинатимиз партия таъкилотлари бу кўрсатмага амал қилиб, коммунистларга бўлган талабчанлигини тобора оширмоқдалар. Йойларда таъкилотий элган беш коммунистлар мактабларининг маъгулотлари ҳар ойда ўтиб турибди. Яқинда мис эритиш заводи, марказий ремонт-механика заводи ва Қалмоқир конида тармоқ мактаблари очилди. Бу мактаблар маъгулотлари ҳар ойнинг охири чорнабасида ўтказилади. Тингловчиларнинг ақсариати партия аъзолигига кандидатлардир.

Комбинат партия комитети перспектив план асосида бошланғич таъкилотларга раҳбарлик қилаётди. Беш йилликда, биз перспектив план асосида ўз ишларини таъкилотий этмоқдамиз. Бундан ташқари ҳар ойда мўлажалланган оператив планнинг ҳам бор. Шу планлар асосида партия таъкилотлари бошланғич таъкилотлар ҳисоботини тинглаб бораёмиш, илгорлар таъкилотини оммалаштиряёмиш. Январ ойида бўлиб ўтган партия таъкилотлари автотранспорт бошқармаси партия таъкилотининг идеология ишлари самардорлигини ошириш юзасидан кўраётган таъкилотлари муҳома қилинди. Орадан кўп ўтмай мис бойиш фабрикаси сийсй мактабларида меҳнатқашларни голий жиҳатдан тар-

биялаш масаласининг қандай йўлга қўйилганлиги кўриб чиқилди.

Айни пайтда биз ҳўжалик партия раҳбарлиги, техника тараққийти учун кураш, зиммага олишган мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигига оид масалаларини ҳам тез-тез муҳома қилиб турибмиз. Май ойида бўлиб ўтган йилги ишчиларнинг бирда худди шундай масала кўриб чиқилди. Унда рух заводи партия таъкилотининг секретари ишлаб чиқариш қувватларини тўла ўзлаштириш қозидан корхонада бажарилаётган ишлар ҳақида ҳисоб берди. Шу киши қувончлики, бошланғич партия таъкилотлари партия қабул қилган қарорларини амалга ошириш устида алоҳида қайғурдилар. Қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш ўз навбатида умумий юксалишини таъминламоқда.

Олтигўртан кони бошқарма-

микдорда маъдан қазиб олинди. Бошланғич партия таъкилотини омма этиборини доимо маълум вазифаларга қаратиб келмоқда.

Комбинат партия комитети аъзолари ҳозир ҳар бир таъкилотини илгорлар даражасига кўтариш учун курашмоқдалар. Биро аъзоларига маълум участкалар бўлиб берилган. Улар бевосита жойларда бўлиб бошланғич партия таъкилотлари ва партия гуруҳларига тегишли ёрдамчи кўрсатмоқдалар. Бундан ташқари таъкилотий-партия ишлар бўйича бир неча штатсиз инструкторларимиз ҳам бор. Улар ҳам вақти-вақти билан бошланғич таъкилотлар ҳўжалигини текшириб керакли ёрдамчи кўрсатмоқдалар. Айниқса биз Аркадий Ким, Ольга Гусева, Надежда Матвеева киби биро аъзоларини фаолиятли намунамиз. Мис эритиш заводи эритувчиси А. Ким партия қабул қилган қарорларнинг қандай бажарилаётганлигини кузатса, кўроғиш фабрикаси таъкилотини О. Гусева хотин қиларди. Рух заводи аппаратурчиси Н. Матвеева маданият-қўрғув ишларини намунали йўлга қўйишда секретарларга қўмақлашмоқда. Бошқа биро аъзолари ҳам ўз зиммаларига топирилган вазифаларини сийсй қилишда адо этмоқдалар.

КПСС XXIV съезиди Директиваларида комбинатимиз ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш йўли билан мис, рух ва бошқа хил рангли металллар ишлаб чиқаришнинг кўпайтириш кўзда тутилган. Коллективимиз бу вазифаларни муваффақиятли адо этиб, ўтган йилларда қувончли ютуқларни қўлга киритди. Ҳозир ҳамма бир жон — бир тан бўлиб йиллик планни муддатидан олдин 28 декабрда адо этиш, ўтган йилга нисбатан 13 процент маҳсулотини кўп реализация қилиш, олинмадиган фойдани 17,4 процентга кўпайтириш учун курашмоқда. Бу курашда кўпсонли коммунистларимиз авангардлик ролини ўйнамоқдалар. Бизнинг мустаҳкам таъкилотимиз бўлган бошланғич ва цех партия таъкилотлари, партия гуруҳлари бор куч ва қайратларини КПСС XXIV съезиди ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг II пленуми белгилган вазифаларини тўла бажаришга сафарбар этмоқдалар.

Т. ИСМОИЛОВ,
В. И. Ленин номидаги Олмалиқ кон-металлургия комбинати партия комитетининг секретари.



ПОИТАХТИМИЗДАГИ 71-мактабда ёшлар пухта билим эгаллаш билан бир қаторда қўлаб тўғарақларда иштирок этишмоқда. Бу ерда яқинда техника тўғраги таъкилотий этилди. Суратда: тўғарақ раҳбари И. Шестяков мактаб ўқувчилари билан амалий машгулот ўтказмоқда.
Қ. ЭШОНҚУЛИЕВ фотоси.

ТОШКЕНТ—ХАСКОВО

ДЎСТЛАР ҲУЗУРИГА, ТАЖРИБА ЎРГАНИШГА

Тошкентга Болгария Халқ Республикаси Хасково округи делегацияси келди. Делегацияда Димитровград шаҳар партия комитети секретари Йордан Буднов раҳбарлик қилмоқда. Унинг составида «Вулкан» цемент комбинати бош инженери Апостол Жеков, шу корхонанинг бош технологи Любомир Байлов ва бош механик Панийот Пасков ўртоқлар бор.

Болгар мутахассисларининг Ўзбекистонга келишдан асосий мақсади Охтангорт цемент комбинатида бўлиш. У ердаги ишлаб чиқариш жараёларини, илгор технологияларини ўрганишдир. Дўстларимиз Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан таъкилотлар, шунингдек, область шаҳар ва районларида бўладилар.

Т. ИСМОИЛОВ,

В. И. Ленин номидаги Олмалиқ кон-металлургия комбинати партия комитетининг секретари.

„ТОШКЕНТГЕОЛОГИЯ“ ТРЕСТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

ХАЗИНАТОРЛАР ИЗИДАН

«Ташкентгеология» трестига қарашли комплекс геология, суратта олиш ва хариталаш экспедицияси хазинаторлар ярим йиллик геолог-таъкилотий ишларини муддатидан олдин адо этишди. Экспедицияга қарашли Фаргона, Нурута, Тебисай, Яхтон, Қўйтош, Қоратепи парамчилари ва қидирувчилари бу ютуққа муносиб улуш қўшдилар.

Ҳозирги пайтда геологлар Олмалиқ, Қурама, Чотқол тоғларида геологик суратта олиш ишларини давом эттиришляпти. Айниқса, Қурама тоғида олтин конларини қидириш ишлари диққатга сазовордир. Хазинаторларнинг самарали изланишлари туфайли кейинги вақтларда Ангрен аччиқтош кони, Ширмонбўзқаб габброиси, Самарчўқ олтин майдони, Туячавул олтин конларининг топилиши асудийдиз изланишлари маҳсулдир.

Экспедиция коллективи КПСС

XXIV съезиди қарорларини ҳаётга татбиқ этиш борасида ҳам катта ишларини амалга оширмоқда.

ЧИРМАВУҚ ОЛТИНИ

Шарқий Қурама геология разведкиси экспедицияси хазинаторлари Чирмавуқ олтин конини топишга муваффақ бўлдилар. Қурама тоғларидан топишган ушбу Чирмавуқ олтин янги беш йилликда Ангрен шаҳри атрофида қад кўтарайотган олтин саралаш фабрикасида қайта ишлана бошлайди.

Чирмавуқ олтин рудасининг химиявий ва физик хоссалари Қизилқумсой, Қўчбулоқ олтин конлариди қаб қўқор каттегорияли, қаттиқ қушган гранитлар ўзайида узрайди.

Ҳозир олтин қонида геология разведкиси ишлари олиб боришмоқда. Олтин қонини аниқлашда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган геолог Константин Архипович Брйгин, геологлардан Э. Ҳабиров, Т. Шойқубов ва бошқа ўртоқларнинг ҳиссалари катта бўлди.

ИЛГОРЛАРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП область комитети ва область икрия комитети районлар, совхозлар, колхозлар ва автоколхозларда оғалла ўриш ва давлатга топириш, уруғлик фойди жамғариш, галла ташини, ем-хашак тайёрлаш юзасидан ўз-аро социалистик мусобақанинг 1971 йил 1 июлигача бўлган якунини кўриб чиқиб қарор қилдилар.

Ўзбекистон КП область комитети ва область икрия комитетининг кўчма Қизил байроғи Ўрта Чирчиқ райони (район партия комитетининг биринчи секретари С. А. Аҳмедов, район икрия комитетининг раиси А. И. Назаров, район комсомол комитетининг секретари М. Э. Отакулов, район икрия комитети қишлоқ ҳўжалик бошқармасининг бошлиғи Т. М. Мирқубов ўртоқлар) берилди. Бу район мавсум бошидан бери ялпи майдондаги


галланинг 43,8 процентини ўриб олишга эришган. Давлатга галла топириш планни 10 процент бажаришди. Уруғлик жамғариш планни 23,2 процент, ем-хашак тайёрлаш планни 58,3 процент бажаришган.

Ўзбекистон КП область комитети ва область икрия комитетининг кўчма Қизил байроғи Ўрта Чирчиқ райондаги «Галлақудук» совхозига (директори Г. П. Приценко, партия таъкилотининг секретари ва бош агрономи И. Султонов, ишчилар комитетининг раиси К. Ким, бош инженери Г. Н. Цой ўртоқлар) берилди. Бу совхоз мавсум бошидан бери ялпи майдондаги галланинг 65,4 процентини ўриб олган, уруғлик жамғариш планни 93,4 процент, ем-хашак тайёрлаш планни 81,6 процент бажарган.

Ўзбекистон КП область комитети ва область икрия ко-

митетининг кўчма Қизил байроғи Юқори Чирчиқ районидаги «Полтотидук» колхозига (раиси М. Г. Хван, партия таъкилотининг секретари Д. Е. Пав, бош агрономи А. Ч. Пав, меҳнатқаш бўйича раис ўринбосари Ю. Г. Хван ўртоқлар) берилди. Бу колхоз мавсум бошидан бери 28,1 процент майдондаги галлани ўриб олган ҳамда давлатга галла сотиш планни 19,4 процент, ем-хашак тайёрлаш планни 25,3 процент бажарган.

Ўзбекистон КП область комитети ва область икрия комитетининг кўчма Қизил байроғи 74-Тўйтепа автобазасининг автоколхозига (автоколхоз бошлиғи С. Қорабев, партия таъкилотининг секретари У. Абдуллаев, маҳаллий комитет раиси Э. Шерматов ўртоқлар) берилди. Бу автоколхоза ходимлари галла ташин планни 141 процент бажарган.



ПОИТАХТИМИЗ кун сайин гўзаллашиб, чирой очиб боришда. Бу ерда бунёд этилаётган маъмурий, маданий ҳамда турар-жой бинолари шаҳримиз ҳуснига-ҳусн қўшаляпти. Суратда: ГафурҒулом номидаги кўчанин, умумий кўриниш.
О. КОЖИХИН фотоси.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ



МОСКВА

Шу йилнинг баҳор ойида пойтахтимиз Москвада «ТАСС фото-70» иставкаси очилган. Унда мамлакат-

мизнинг барча иттифокдош республикаларида ижод қилган фотомужабиларнинг энг намунали ишлари намойиш қилинди. Ушбу суратда И. Курганнинг «Оналаримиз сут олиб келишди» фотоси кўриб турибсиз.

ТАСС фотохроникаси.



БЕЛОРУССИЯ

Партиянинг XXIV съезди қарорларидан руҳланган Минск автомобилсозлари меҳнатда катта ғалаба аларини

қўлга киритишмоқда. Хар куни завод конвейеридан янги МАЗ-515 маркали автопоездлар чиқмоқда. Суратда: Минск автомобилсозлари меҳнатда беш конвейер.

В. КУНОВ ва М. МИН-КОВИЧ фотоси.



СИБИРЬ

Мамлакатда энг уз-кан ҳисобланган Габ-рий Сибирь металлургия заводи ишга тушиш олдида турибди.

Завод яқин келажакда ҳар суткада 7 минг тонна пулат бера бошлайди. Суратда: заводни бунёд этишда актив қатнашган А. Черкашин сменаси меҳнат вахтасида.

А. КУЗЯРИН фотоси.



КРАСНОЯРСК

«Красноярскнефтегазразведка» трестига қарашли Жанубий-Панск экспедициясининг коллективи кўн

йиллардан бери нефть ҳавзаларини қидириб тошмоқда. Суратда: илгор бригада бошлиги И. В. Кавтаский (чапдан биринчи) ўз ўртоқлари билан.

Ю. БАРМИН фотоси.

БУГУН—ХАЛҚАРО КООПЕРАТОРЛАР КУНИ
МАТЛУБОТЧИЛАР ЯНГИ БЕШЙИЛЛИКДА

Областимиз кооператорлари партиянинг XXIII съезди тарихий қарорларини амалга ошириш борасида аўр ғайрат ва шижоат кўрсатиб ишладилар. Саясийнинг беш йиллик топириқларини муваффақият билан бакарши йўлида ҳорам-тоғлар меҳнат қилдилар.

Кооперация савдосидаги айрим камчиликларини бартараф қилиш, прогрессив усуллари қўланиш, маданий савдо қизмати кўрсатиш янада яхшилаш, харидорлар талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Шунингдек, кооперация соҳасига суқилиб олган айрим юлғич ва растратчиларга қарши илдий кураш чоралари амалга оширилди.

Еш кадрларни тайёрлаш, улар билан тарбиявий ишлар олиб бориш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилди. Шу каби қўрилган қатор тадбир-чоралар туфайли кооператорлар беш йиллик вазифарларини муваффақият билан бакаршиди. Чакана савдо оборотини 100,3 процент бакарди. Бу аса 1965 йилга нисбатан 63,7 процент кўдир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш аса 142,5 процентга етказиб бакарди. План дан ташқари 44,5 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашё тайёрладилар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашё тайёрлаш ҳамда ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш беш йиллик план асосий турлари бўйича анча ошириб бакарди.

Областимизда беш йилликда 20 миллион сўмга яқин маблаг кооператив капитал курилишига сарфланди. Шу давр ичида 334 та магазин, 66 та умумий овқатланиш корхонаси, бир суткада 107 тонна нон ёпиш кучига эга бўлган 9 та нонвойхона, картошка ва сабзавот сақланган ва бошқа бир қанча объектлар қурилиб ишга туширилди.

Бундан ташқари, район марказларида, қишлоқ ва посёлкаларда шаҳар типидagi қўш қаватли универмаглар, рестороанлар қуриб фойдаланишга топирилдилар. Қилинган районнинг Келес қишлоғида, Янгийўл районидagi «Интернационал», Юқори Чирчиқ районидagi «Политотдел» колхозларида, Оржоникиде районининг Улугбек посёлкасида, Қиёрайда, Бўна, Оққўрғон районлари марказларида қурилиб ишга туширилган икки қаватли кўркам универмаг бинолари шулар жумласидандир.

Областимиз кооператорлари доҳимиз Владимир Ильич Лениннинг 100 йиллик юбилеи ва партиянинг тарихий XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун айниқса аўр ғайрат кўрсатиб меҳнат қилдилар. Чакана савдо обороти 102,5 процент, умумий овқатланиш 102,8 процент, ортиқча қиш-

лоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш 103,1 процент ва бошқа соҳалар бўйича ҳам план топириқлари муваффақият билан ошириб бакарди.

Визнинг эришган бу ютуқларимиздан мамлакатимиздаги дўстларимиз ҳам баҳраманд бўлдилар. Биргина ўтган йили Ватанимиз пойтахти Москва, қадимий ва ҳаммаш навқирон, қаҳрамон Ленинград шаҳри ва бошқа саноат марказларида яшовчи дўстларимизга 65 минг тонна сабзавот, 48 минг тонна поля маҳсулотлари, 5 минг тонна мез ва бошқа ноз-неъматларни сериқуш дидеримиздан юнатдилар.

Область матлубот жамиятининг молиявий-хўжалик фаолияти мустақамланди. Ўтган йилнинг ўзида 9 миллион 215 минг сўм фойда олдинди, яъни бу соҳадagi план 110 процент бакарди.

Областимиз кооператорлари КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларидан руҳланиб, тўққизинчи беш йилнинг биринчи йилини муддатидан илгари бакарши учун социалистик мусобақини янада авж олдириб юбордилар. Чакана савдо товар обороти, умумий овқатланиш, китоб савдоси ва ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш плани 23

декабрга қадар бакардилад ва пландан ташқари қишлоқ меҳнатчиларига 4 миллион 600 минг сўмлик маҳсулот сотилди. Илдинги охирига қадар 160 та савдо корхоналари ўз-ўзига хизмат қилиш усулига ўтказилди ва 150 магазин замонавий янги асбоб-ускуналар билан жиҳозландилар. 1 декабрга таёрлов обороти бакарди, 4 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрландилар.

Хозиргача ярим йиллик сабзавот тайёрлаш планини 174,1 процент бакардишга муваффақ бўлди. Бу аса ўтган йилнинг шу даврига қараганда 7 минг тонна кўдир. Шунингдек, чакана савдо товар обороти 101,2 процент, яъни ўтган йилнинг шу даврига қараганда аҳолига 10 миллион 600 минг сўмлик ортиқча маҳсулот сотилди.

Ўтган беш йиллик топириқларини муваффақият билан бакаршида, тўққизинчи беш йилнинг биринчи йилида эришилган дастлабки ютуқларини қўлга киритишда областимиздаги барча район матлубот жамиятларининг қодимлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Шу билан бирга Калинин, Оржоникиде, Оққўрғон, Бўстонлик районларининг азамат кооператорларининг намунали

меҳнатларини алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур. Ана шу районларнинг эришган меҳнат зафарлари туфайли тухум тайёрлаш йиллик плани, жун, мўйна хом ашёлари ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ярим йиллик плани муваффақият билан бакарди. Хозиргача Москва, Ленинград, Сибирь ва Ўзоқ Шарқнинг саноат марказларига 20 минг тонна эртаги сабзавот юборилди. Бу ердаги дўстларимиз ўзбек элининг сериқуш ерида етишган табиат инъомларидан баҳраманд бўлиб ўз миннатдорликларини билдирмоқдалар.

Партия ва ҳукуматимиз давлат ва кооперация савдоси қодимларига дом оталарча ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Уларнинг меҳнатларини юксак тақдирламоқдалар. Шу йилнинг июнь ойида СССР Олий Совети Президиумининг Фармонида мувофиқ областимиз кооператорларидан 38 киши СССР орден ва медаллари билан мукофотландилар. Областимиз кооператорлари КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун бутун куч ва ғайратларини сарфлаб тўққизинчи беш йиллик план топириқларини муваффақият билан бакардиладар. Бунинг учун барча куч ва имкониятларимизни сарфлаймиз.

А. ИБРАГИМОВ,
Тошкент область матлубот жамияти правлениеси раисининг ўринбосари.

САВДО МАДАНИЯТИНИ
ЯХШИЛАЙМИЗ

КПСС XXIV съезди қарорлари ва тўққизинчи беш йиллик Директиваларида савдо маданияти олдинги масъулиятли вазифалар қўйилди.

Областимизнинг барча кооператорлари қатори район савдо ҳодимлари ҳам жонанон партияимизнинг ана шу улғувор кўрсатмаларини амалга ошириш, қишлоқда савдо маданиятини янада юксалтириш, аҳолининг савоат ҳамда уй-рўзгор буюмларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун тинмай курашмоқда.

Халқимизда тўғга муносиб тўёна қилишдек қадимий анъана бор. Районимиз кооператорлари ҳам ўз байрамларини аjoyиб тортиқлар билан кутиб олинди. Район меҳнатнашларига кўрсатилган савдо маданиятини янада кўтариш, улар эҳтиёжларини кенгроқ қондиришда бир мунча ютуқлар қўлга киритилди.

Районимиз кооператорлари ўз байрамларини тўққизинчи беш йилнинг биринчи ярим йиллик товар обороти планини областда биринчи бўлиб 22 июнда яъни муддатидан саясий кув илгари ортиқ билан бакарши билан якунламоқдалар. Ўтган йилнинг шу муддатига нисбатан қишлоқ меҳнатнашларига 1 миллион сўмдан ортиқ савдо қизмати кўрсатилди.

Бу кўрсаткичларни қўлга киритишда «Кўкорол» совхозидagi ўртоқ Ибраимов мудирлик қилаётган 3-магазин, Бўна райпосига қарашли Н. Ҳасанов мудирлик қилаётган 1-магазин, С. Жалилов мудирлик қилаёт-

ган хўжалик магазини, В. Жўраев мудирлик қилаётган уй-рўзгор буюмлари магазини ва Х. Раҳмонова раҳбарлик қилаётган 9-олин-оққат магазинининг қодимлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Шунинг билан керакки, кооператорларимиз зиммасида ҳали катта вазифалар турибди. Аввало, биз илгорлар тақрибисини оммалаштиришимиз, қондирер маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цехлар ташкил этишимиз, ўз-ўзига хизмат этишдаги иш тақрибларини кенг ёйишимиз лозим. Хозирги кунда шу масалалар район кооператорлари олдинда турган муҳим ҳаётий масалалардан бири бўлиб турибди.

Бундан ташқари, яқин кунларда «Салом» кафеси, поля ва меза сақланган оғморхона қурилиши ишларини тутатганимиз керак. «Октябрь 40 йиллиги», Тимирязев, Ҳамза, Карл Маркс номли колхозларда ва «Кўкорол» совхозларида ҳам янги магазинлар қуриб фойдаланишга топирилади.

Коммунистик партияимизнинг тарихий XXIV съезди қарорларига жавобан, ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, тўққизинчи беш йилнинг биринчи дастлабки йилида ўтган йилга нисбатан қўшимча 2 миллион сўмлик савдо қизмати кўрсатишга аҳд қилдик. Кооператорлар бу аҳдларининг ҳам удрасидан албатта чиқадилар.

А. РАҲИМОВ,
Бўна район матлубот жамияти раисининг ўринбосари.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ
КИНОМЕХАНИК

Ғиёс ака Нажимовин Бўстонлик районидagi Богистон, Сияжак, Яккатул, Товоқсой ва Хондойлик қишлоқларида яшовчи аҳоли яхши билди. У ўз умрининг қарийб 25 йилдан кўпрогини кино санъатини халққа намойиш қилишга сарфладилар.

Ғиёс аканинг қўл йиллик меҳ-

нати муносиб тақдирланган. У икки марта Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотланган. Қўнида аса «Кинематография аъло-чиси» значоги порлаб турибди. Шу мукофотлар ичда унга энг азиз, эл-юрт ҳурматиدير.

Х. МУРОТОВ.



БУГУН матлубот ҳодимлари ўз байрамларини шоду ҳуррамлик билан нишонламоқдалар. Улар бу кунни аҳолига хўшмуомалалик билан маданий хизмат қилиш, давлат топириқларини муваффақиятли адо этиш билан кутиб олдилар. Суратда: Калинин районидagi Келес матлубот жамиятига қарашли 3-магазини мудир «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган савдо ҳодими» Мушарраф Мухамедовани кўриб турибсиз. У мудирлик қилаётган магазин коллективи ойлнк плани доимо 120—130 процентдан бакардиб келмоқда.

Б. Сафаров фотоси.

„БАҲОР“ГА КЕЛИНГ!

Баҳор табиятини гулларга бурнаб, ажиб бир чирой бахш этса, биз таърифлаётган «Баҳор» универмаги қиз-яшуволларни шон-шарф билан янатирибди.

Бу универмаг қаерда экан, дейсизми? «Баҳор» универмаги Пискент район марказида, Лобар, ширин сўз қизлар бу ерда савдо қизмати кўрсатишмоқда.

— Ассалому алайкум, келинг, отахон, нима керак эди? — Сен тенги арзанда қизим бор. Бир кийимлик атласдан ўлчаб бергин.

— Жоним билан-у, лекин, қизингиз еш экан. Ешларга ундан кўра мана бу қизиди жуда ярашади-да.

— Майли, қизим, ёшларнинг дидини ёшлар билди. Сени ҳам айтганинг бўлақолсин,— дейди бу муомаладан қалб тоғдек кутарилган ота.

Бу универмагда харидорларга шундай самимий ҳурмат билан муомала қилинади. Ўзингиз йиланг, сизни илқ табассум билан кутиб олган жойдан бир-рор нарса харид қилмасдан чиқиб кетиш муминми? Йўқ, ал-

батта. Бу ўринда қўқсини Меҳнат Қизил Байроқ ордени беабо турган универмаг директори, савдо аълочиси Баҳорат опа Абдурахмонова жуда тўғри гапни айтди:

— Савдо маданияти фақат ойлнк ёки квартал планларини бакарши билангина белгиланмайди. Балки, магазинда харидор истоган буюмининг ҳамма хиллари бўлиши, харидорга ширин сўз, хўшмуомала билан кўрсатилган хизмат белгилайди.

Борди-ю, харидорга кўпол муомалада бўлиса, у харид қиладиган буюмининг ҳам олмай, магазиндан ранжиб чиқиб кетади. Атиқ тилдан ҳар икки томоннинг дили ранжиди, кайфияти бузилади. Шундай экан, яхши муомала билан харидор қонати чикариб, раҳмат эшитганга нима етсин!

Коммунистик меҳнат бригадаси номини олишга мушарраф бўлган бу аҳил коллективнинг ширини ана шундай. Қолаверса, ширин муомала билан қилинган хизмат уларни алта таниди. Неча йилларини «Баҳор» қизларидан қаридорлар хурсанд планлари аса бут.

Ўтган беш йиллик товар обороти планини ортинги билан бакарган универмагининг аҳил коллектив 1971 йилнинг дастлабки беш ойлнк планини ҳам яхши кўрсаткичлар билан якунладилар. Улар ўз байрамларини 6 ойлнк топириқни муддатидан илгари бакарши билан кутиб олинди.

Бу ютуқни қўлга киратиб, коллектив шуҳратига шуҳрат қўшишда савдо аълочиларидан О. Зокирова, М. Ғўломов, Р. Қориева ва З. Усмонова каби қизларнинг хизмати катта.

Биз халқ хизматига ҳаммаш ҳозир туриб, савдо маданиятини оширишда ўрناق бўлаётган «Баҳор» универмаги коллективига янги муваффақиятлар тилаймиз.

Ш. АБРОРОВ.



СОВЕТ КИТОБ НОШИРЛАРИГА МУКОФОТЛАР

БЕРЛИН. (ТАСС). Лейпцигдagi «ИБА—71» китоб беаши халқаро иставкасида 30-июнда китоб беаши совет расомлари ва ноширлари 20 та олтин, кумуш ва бронзалли медал олдилар. 25 жамлакат вакилларидан тузилган жюри бу билан советлар мамлакатига кейинги йилларда китоб нашр этиш ривожланишига юксак баҳо берди. Советлар мамлаяти китоб нашр этиш жаҳондаги китоб нашр этиш ишларининг даржагини кўн яхшатдан белгилаб берди.

Иставкада «СССР кўни» муносабати билан ўтказилган матбуот конференциясида СССР Министрлар Совети ҳузуридаги матбуот комитети раисининг биринчи ўринбосари Ю. С. Мелентьев сўзга чиқди. У совет нашриётлари ҳар йили қарийб 76 минг юмди китоб беаши чиқараётганлигини айтди. Ю. С. Мелентьев таржима асарларини нашр этиш соҳасида жаҳонда биринчи ўрини эгаллаб турган Совет Иттифокда шу пайтгача жаҳондаги бошқа халқларнинг 101 тилида китоб нашр этилганлигини таъкидлаб ўтди.

МИНИСТРЛИК БАЁНОТИ

Жанубий Вьетнам Республикаси ташқи ишлар министрлиги Лаос проблемасини тинч ҳал этиш тўғрисида яқинда Лаос ватанпарварлари fronti илгари сўрган янги таклифи қўллаб-қувватлаб, баёнот эълон қилди. Лаоснинг бутун территориясида ўт очини тўхтатиш ва Лаосдаги манфаатдор томонлар ўртасида музокара олиб боришни кўзда тутган бу таклиф ана шу мамлакат аҳолиси барча табиятларининг орзу-тилкаларига мос бўлиб тушади, дейилади. Озодинги матбуот агентлиги таркатган баёнотда. Лаос ватанпарварлари fronti ана шу таклифини илгари сўриш билан яхши ниятда эканлигини ана бир марта кўрсатди ва ўз ишнинг ҳаққоний иш эканлигини исбот этди. Баёнотда таъкидлаб ўтилганидек, Лаос ватанпарварлари frontiнинг янги таклифи Хинди-Хитойда, Шарқи-Жанубий Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ҳамда ҳафсизлигини таъминлаш манфаатларига жавоб беради.

ТЕРРОР ДАВОМ ЭТМОҚДА

НЬО-ПОРК. Американинг машҳур адиби Курт Воннегут «Нью-Йорк таймс» гаетасида босилган хатда қуйидагиларни баади: Қўша Штатлар Ҳинди-Хитойда аҳолини дом террор қилмоқда ва қийнамоқда.

Аммо Американинг қуроли «жаҳонда энг қимматга тушадиган қийноқ қуролидир». Аммо бу қуролининг қудрати Вьетнам Демократик Республикаси халқининг ва Жанубий Вьетнам ватанпарварларининг иродасини бука олмайди. Напалмлар ҳам, оқ фосфор ҳам, хом оҳан ҳам, курашга отланган халқни тўхта олмайди, деб таъкидлайди Воннегут.

(ТАСС).



Боливия — Лотин Американинг кичик мамлакатларидан бири ҳисобланади. Прии асрдан бери мамлакат аҳолиси Америка монополиясининг таъйини остида азоб чекмоқда. Суратда: Кочабамба шаҳрининг майдонида ишсизлар.

П. ФЕДОТОВ фотоси. (ТАСС).

